

МУСТАҚИЛЛИК ВА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ МУЛОҚОТ, ИШОНЧ ВА ҲАМКОРЛИК МЕЗОНЛАРИ

Отабек Қудратович АЛИМАРДОНОВ

доцент

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада мустақиллик ва халқ дипломатияси ўртасидаги узвий боғлиқлик илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан ташқи сиёсатида юзага келган туб ўзгаришлар, халқ дипломатиясининг дунё ҳамжамияти билан мулоқот, ишонч ва ҳамкорлик мезонларини мустаҳкамлашдаги ўрни ёритилган. Халқ дипломатиясининг тарихий илдизлари, унинг замонавий сиёсатдаги аҳамияти ва Ўзбекистон тажрибасидаги амалий кўринишлари очиб берилган.

Таянч сўзлар: мустақиллик, халқ дипломатияси, ташқи сиёсат, мулоқот, ишонч, ҳамкорлик, Ўзбекистон.

НЕЗАВИСИМОСТЬ И НАРОДНАЯ ДИПЛОМАТИЯ: КРИТЕРИИ ДИАЛОГА, ДОВЕРИЯ И СОТРУДНИЧЕСТВА ВО ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Отабек Қудратович АЛИМАРДОНОВ

Доцент

доктор философии (PhD) по историческим наукам

Национальный университет Узбекистана

e-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Аннотация

В статье рассматривается взаимосвязь независимости и народной дипломатии в контексте внешней политики Узбекистана. Автор анализирует изменения, произошедшие после обретения независимости, а также значение народной дипломатии в укреплении диалога, доверия и сотрудничества на международной арене. Особое внимание уделяется историческим корням народной дипломатии, её роли в современной международной политике и практическому опыту Узбекистана.

Ключевые слова: независимость, народная дипломатия, внешняя политика, диалог, доверие, сотрудничество, Узбекистан.

Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизимида янги тамойил ва ёндашувларнинг шаклланиши миллий давлатларнинг ташқи сиёсат стратегиясида янги имкониятлар билан бирга қатор муаммоларни ҳам вужудга келтирмоқда. Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнлари кучайиб,

ахборот оқимлари тезкор суръатларда тарқалаётган бир шароитда мамлакатларнинг фақат расмий дипломатия воситалари билан чекланиб қолиши самарали натижа бермайди. Шу нуқтаи назардан, халқ дипломатияси миллий давлатлар учун халқаро майдонда мулоқотни йўлга қўйиш, ишонч муҳитини шакллантириш ва барқарор ҳамкорликни таъминлашнинг муҳим механизмларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ташқи сиёсат соҳасида тамоман янги босқичга қадам қўйди. Бу босқичнинг энг муҳим жиҳати шундаки, мамлакат энди ўз миллий манфаатлари ва кадриятларига асосланган ҳолда халқаро муносабатларда мустақил позицияни эгаллай бошлади. Шу билан бирга, расмий дипломатия билан бир қаторда халқ дипломатияси ҳам мамлакатнинг ташқи сиёсий стратегиясининг ажралмас қисми сифатида ривожланди.

Халқ дипломатияси давлатлар ўртасидаги муносабатларни фақат ҳукумат даражасида эмас, балки кенг жамоатчилик, илмий ва маданий доиралар, нодавлат ташкилотлар ва алоҳида фуқаролар орқали ҳам амалга ошириш имконини беради. Бу эса икки ва кўп томонлама муносабатларда ўзаро ишонч, дўстлик ва самимий мулоқот муҳитини мустаҳкамлайди.

Шиддатли жараёнлар кечаётган, глобаллашув ва ахборот макони жадал ривожланаётган ҳозирги даврда халқаро гуманитар ҳамкорликнинг роли янада ортмоқда. Самарали гуманитар ҳамкорлик орқали турли халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш эса халқ дипломатияси фаолиятининг энг асосий соҳаси ҳисобланади.

Истиқлол, Ватан мустақиллиги берган неъматлардан бири бу шубҳасиз хорижий мамлакатлар ва халқлар орасида тенглар ичида тенг бўлиш, мустақил сўз юритиш, турли ижтимоий-сиёсий, маданий-гуманитар алоқаларга киришиш – халқ дипломатиясидан фаол фойдаланишдир.

Истиқлол (араб. кўтарилиш қаддини ростлаш, ўсиш, юқори жойга эришиш) – ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун

зарур эркинлик шароити. Истиқлол, ўзаро ҳурмат, бири-бирини тан олиш, бири-бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқароларининг ўзаро муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниши, ана шу умумий мезонлар асосида яшаш демакдир.

Ўзбекистон 1991 йилнинг 31 августида ўз истиқлолини қўлга киритиб, жаҳон майдонига чиқиб қаддини ростлади, тез фурсатда хорижий мамлакатлар томонидан ҳам мустақил демократик давлат сифатида тан олинди, тенглар ичида тенг мақомда БМТга аъзо бўлди.

Мустақиллик аввало, халқимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатига айланди. Сўз ва виждон эркинлиги, таълим ва тиббий хизматдан фойдаланиш ҳамда энг асосийси, эркин ва озод яшаш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси бутун жаҳон жамоатчилиги олдида халқаро ҳуқуқнинг умумжаҳон эътироф этган нормаларига содиқлигини Конституция даражасида ҳам мустаҳкамлади.

Мамлакатимиз Бош қомусида миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар фуқароларга бирдек ҳақ-ҳуқуқ берилиши мустаҳкамланиб қўйилди.

Истиқлол орзуси билан ёнган аجدодларимиз, жадид маърифатпарварларимизнинг нияти амалга ошди. Истиқлол унутилган асрий қадриятлар ва урф-одатларимизни қайтариб берди. Халқаро ҳамжамият қаршисида ўзининг бой тарихи, буюк яратувчилик анъаналарига эга халқ ягона байроқ остида бирлашди.

Мустақиллик мамлакатимиз ташқи сиёсатида ҳам туб ўзгаришларни бошлаб берди. Аввало, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди. Жаҳонда мустақил Ўзбекистон ва ўзбекистонлик деган номлар пайдо бўлди.

Истиқлол мустақил дипломатик ёндашув юритиш имконини берди. Бу ёндашув ташқи сиёсатни бошқа давлатлар ёки халқаро ташкилотларнинг манфаат ва дастурларига кўр-кўрона эргашмасдан, балки мамлакатнинг ўз

миллий манфаатлари, қадриятлари ва мақсадларига асосланган ҳолда юритишни назарда тутди [7].

Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт истиқболлари учун қулай жўғрофий-сийсий имкониятларга эга эканлиги ҳам мустақил ташқи сиёсат юритиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун имкон берди. Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни, бу ҳудудда истиқомат қиладиган халқларнинг қадимдан ҳамфикр бўлиб келгани Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсат юритишни ижтимоий заруратга айлантирди.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон ташқи сиёсатда бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконидан маҳрум бўлиб, республиканинг ўрни фақат қоғозларда федерация субъекти сифатида мустаҳкамланган эди, холос. Ўзбекистон ўз имкониятларини дунё миқёсида кўрсатишдан ажраб қолган, хориж билан халқаро алоқалар фақат марказнинг рухсати билан амалга оширилар эди.

Истиқлол шарофати билан халқимиз мустақил давлат фуқароси — ўзбекистонлик сифатида хорижга чиқиш, таълим олиш, илғор мамлакатларда амалиёт ўташ, чет элликлар билан ўзаро мулоқотга киришиш имкониятига эга бўлди.

Бугунги кунда Мустақил Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб келмоқда.

Шу ўринда Мустақиллик ва халқ дипломатияси тушунчалари бир-бирига ўзаро уйғун эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Тарихан ҳар икки тушунча тенглик тамойилларига асосланган ҳолда ривожланиб келган. Қачонки мамлакат мустақил бўлса, ўша мамлакат халқи мустақил халқ дипломатиясини юрита олади. Қачонки мустақиллик тенглик

тамойилига асосланса, халқ дипломатияси ҳам халқларнинг ўзаро тенг ҳамкорлигини вужудга келтиради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг халқ дипломатияси масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш бошланди. Узоқ-яқиндаги мамлакатлар билан алоқаларда кенг жамоатчилик ва халқ вакилларининг иштироки катта бўлди. Халқ дипломатияси ҳақида оммавий ахборот воситаларида туркум кўрсатувлар ва олимларнинг фикр ва мулоҳазалари акс этган мақолалар бериб борилганлиги унга нисбатан жамиятнинг қизиқиши ортиб боришига олиб келди.

Хўш, халқ дипломатияси ўзи нима ва унинг давлат расмий дипломатиясидан фарқи нимада?

Анъанавий дипломатияда бир давлат ҳукуматининг иккинчи бир давлат ҳукумати билан ўзаро алоқалари ҳақида гап кетса, халқ дипломатиясида эса фаол фуқаролар, норасмий гуруҳлар, ташкилотлар ва алоҳида шахсларнинг бошқа давлатдаги жамоатчилик билан муносабати тушунилади.

Анъанавий маънода дипломатия ҳукуматлар ўртасидаги алоқа шаклидир. Халқ дипломатияси – бу бошқа мамлакатлар халқлари билан бевосита алоқаларни ўрнатиш тизими.

Халқ дипломатияси фаолияти соҳасига жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, халқаро нодавлат ташкилотлар билан алоқалар ва маданий, илмий ва таълим дастурларини амалга оширишда ҳамкорлик киради. Сўнгги йилларда ушбу ҳамкорлик мамлакат халқаро алоқаларини кенгайтиришнинг ноёб воситасига айланди.

Бундай ҳамкорлик нафақат давлат тузилмалари, балки одамларнинг ўзи, уларнинг фаол вакиллари томонидан ҳам амалга оширилади. Бунда оддий инсонлар, турли мамлакатлар фуқаролари ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, ўз ҳис-туйғуларини янада кенгроқ ва чуқурроқ ифода эта олиш имкониятига эга бўладилар.

“Халқ дипломатияси” атамаси фанга илк бор 1965 йилда америкалик дипломат Эдмунд Галлион томонидан киритилган ва турли жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва нодавлат ташкилотларининг халқаро муносабатлардаги иштирокини кенгайтириш орқали давлат мақсадларига эришиш ёки ўз кадриятларини халқаро ҳамжамиятда тарғиб қилиш усули сифатида белгиланган [8; 57].

1965 йилда Американинг таниқли теле ва радио журналисти Эдвард Мэроу тарихда биринчи халқ дипломатияси марказига асос солди. Ушбу институт бир йил ўтиб халқ дипломатиясининг таърифини нашр этди ва унда: “Халқ дипломатияси деганда биз ҳукуматлар, жамоат бирлашмалари ва алоҳида шахсларнинг бошқа халқлар ва ҳукуматларнинг нуқтаи назари ва қарашларига таъсир кўрсатадиган даражадаги воситалар ва ташқи сиёсий қарорларни тушунамиз” деб фикр билдирилган [9;19].

Гарчи “халқ дипломатияси” атамаси ҳозирги даврда пайдо бўлган бўлсада, Ўзбекистон учун халқ дипломатияси чуқур тарихий ва ижтимоий-маданий асосларга эга. Миллатлараро, маданиятлараро, конфессиялараро ва тиллараро бағрикенглик ўзбек этноси учун хос фазилатлардан ҳисобланади.

Географик жиҳатдан жаҳон цивилизациялари кесишган Буюк ипак ва Буюк Ҳинд йўллари туташган нуқтада жойлашган Марказий Осиё нафақат иктисодий фаровонлик, балки кўп асрлик маданиятлараро ва динлараро мулоқотнинг маркази бўлиб келган [6; 5].

Ўзбек халқи тарихан Буюк Ипак йўли чорраҳасида турли маданият, тил ва диний қарашларга эга халқлар билан ўзаро цивилизацион алоқада шаклланган. Халқ дипломатияси тарихнинг барча давларида тўхтовсиз ривож топиб борган ва бу факт унинг ижтимоий тараққиёт ва жаҳон сиёсатидаги аҳамиятини янада ортишини англатади.

Мил. авв. III мингйиллик охири – II мингйилликнинг бошларида минтақанинг жанубий вилоятлари – Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларида илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти шаклланади. Бронза даврига оид

мазкур цивилизация “Окс (Амударё) цивилизацияси” деб эътироф этилган [4; 12].

Академик А.Асқаровнинг таъкидлашича, ижтимоий ҳаётда халқ дипломатиясининг тарихий илдизлари Марказий Осиёда бронза даврида, ер қуррасининг бирламчи цивилизациялар зоналарида эса, масалан, қадимги Миср, Месопотамия, Ҳинд водийси, Хитойнинг Хуанхэ дарёси этакларида ундан ҳам олдинроқ юз берган [2; 5].

Маълумки, бизнинг миллий давлатчилигимиз неча минг йиллик қадимий тарих ва бой маданиятга эга. Бинобарин, дипломатик муносабатлар ҳам тарихимизнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалади.

Бу ҳақиқат нафақат мамлакатимиз, балки дунё олимлари томонидан кенг эътироф этилган. Бизнинг аجدодларимиз орасидан машҳур ва моҳир дипломатлар, элчилар етишиб чиққани ҳақида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд. Тарихимизда юртимиз заминида туғилиб вояга етган кўплаб машҳур олим ва фузолалар халқлар ўртасида тинчлик, бағрикенглик ғояларини тарғиб этган. Дунёдаги дипломатияга оид энг зўр китоблар ҳам аслида Шарқда, жумладан, бизнинг заминимизда яратилган десак, адашмаган бўламиз [1].

Ўрта асрларда Марказий Осиё ҳукмдорлари давлат сиёсатига тааллуқли муҳим масалаларни ҳал этиш, икки томон ўртасидаги низоларга барҳам бериш ва дўстона алоқалар ўрнатиш ҳамда элчилик хизматлирида жамиятда катта нуфуз ва мартабага эга шахслар – “халқ дипломатлари” хизматидан фойдаланган.

Тарихимиз зарварақларида аجدодларимиз юрт озодлиги ва ватан равнақи учун халқ дипломатиясидан фойдаланган ҳолатлар жуда кўплаб учрайди. Мисол учун, халқимиз орасида “Ҳазрати имом” номи билан машҳур бўлган, X асрда яшаб ижод этган улуғ фақиҳ, файласуф, мантиқшунос, тилшунос, шоир ва ҳадис илми билимдони Қафқол аш-Шоший ўзига хос дипломатик вазифани бажариш йўли билан Араб халифалиги халқи учун улкан хавфни бартараф этганлиги тўғрисида ҳамда халифа Усмон

Мусъхафининг юртимизга олиб келиниши билан боғлиқ ривоятни келтириб ўтишимиз мумкин.

Манбаларда қайд этилишича, Византия императори билан Араб халифаси ўртасида жанжалли ёзишмалар бўлади.

Бу ёзишмаларда Византия императори Никифор (963–969 йилларда ҳукмронлик қилган) Араб халифаси Фазл ибн Жаъфар Муқтадирга (лақаби – Мутилиллох, хижрий 334–363, милодий 945–973 йилларда, айрим маълумотларга кўра эса 946–974 йилларда ҳукмронлик қилган) дўк ва пўписа билан мурожаат қилиб, бир вақтлар унинг ерлари бўлган, ҳозир эса Араб халифалигига тегишли бўлиб турган ўлкаларни тинчлик йўли билан, яъни осонликча уларга (византияликларга) қайтариб беришни талаб қилади. Византия ҳукмрон доиралари мактубни баландпарвоз чиқиши учун араб тилида шеър билан битадилар.

Халифа Фазл ибн Жаъфар Муқтадир ва унинг мулозимлари танг аҳволда қолишган эди. Чунки улар учун ҳақиқий жиддий синов даври бошланган эди. Никифор кўшини халифалик ерларини бирин-кетин босиб ола бошлади. Шомнинг шимолий қисми византияликлар томонидан эгалланади. Ўша вақтда халифаликда Шарқий Рим империясига қарши тура оладиган ҳарбий салоҳият йўқ эди. Қанча-қанча донгдор саркардаларни мағлуб этган Никифорга бас кела оладиган саркарда ҳам йўқ эди. Шу ҳолатда империянинг шаштини тушириб, масалани мурса-ю мадора, яъни дипломатия йўли билан ҳал қилиш лозим эди. Халифа Мутилиллох шундай вазифани бажара оладиган зукко дипломат қидирар, мактубга муносиб жавоб ёзувчи шахсни излар эди.

Худди мана шу воқеалар бўлган кезде Қафғол аш-Шоший Бағдод шаҳрида бўлади. У халифаликда иқтидори зўр олим, сарой аъёнлари ўртасида яхшигина қонуншунос, забардаст шоир сифатида танилган эди. Шунинг учун аллома халифа ҳузурига чақиртирилади. Халифа у билан суҳбат давомида имомнинг заковатига тан беради ва ундан жавоб мактубини ёзишни илтимос қилади. Византия ҳукмдорининг лашкарбошиси Тағфур

(араб манбаларида Такфур) хатига жавоб ёзиш халифалик номидан Қаффол аш-Шошийга топширилади [3; 16].

Қаффол аш-Шоший мактубни ўқиб кўриб, ўша мактуб ёзилган шеър вазнида ва ўша тарздаги қофияда Тағфур номига араб тилида жавоб шеърини ёзади. Бу мактубда унинг бор билими, заковати, шеърият бобидаги маҳорати ва дипломатик истеъдоди ўз аксини топган эди. Мактуб 148 байтдан иборат бўлган. Биз учун шуниси муҳимки, унинг мактуби Константинополда катта шов-шувга сабаб бўлади. Ас-Субҳийнинг ёзишича, византияликлар, хусусан, уларнинг лашкарбошиси Тағфур аш-Шошийнинг бу жавоб шеърини ўқиб, даҳшатга тушади. Сўнг лашкарбошилар бундан таажжубга тушиб, бир-бирларидан сўрашган экан:

“Бу жавобни ёзган киши ким бўлди экан, у қайси юртдан экан, халифаликда биз бундай истеъдодли зот борлигини билмас эдик-ку?!”

Хуллас, Византия лашкарбошилари Қаффол аш-Шошийнинг ўзига хос дипломатик усулда ёзилган жавоб мактуби эсанкиратиб қўяди. Чунки византияликлар жавоб шеърининг бундай тарзда ёзилишига ишонмаган эдилар. У кишининг биргина жавоб қасидаси вазиятни ўзгартириб юборади. Имомнинг ўзига юклатилган дипломатик вазифани шараф билан адо этиши халифалик халқини уруш хавфидан ва ўлпон тўлашдан сақлаб қолишга қаратилган эди. Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун қилинган ушбу хизмат аллома номини дунёга машҳур этди.

Шу биргина мисол орқали биз учун Қаффол аш-Шошийнинг забардаст халқ дипломати, ҳозиржавоб шоир бўлганлиги маълум бўлади.

Шубҳа йўқки, императорни ўз қарорини ўзгартиришга мажбур қилган омиллардан бири – Қаффол Шошийнинг ўткир зеҳни, унинг сиёсат илмидан хабардорлиги бўлган. Манбаларнинг тасдиқлашича, аллома император Никифорга йўллаган мактуб-шеърида унга Араб халифалигига ҳарбий юриш қилишдан кўра ўз давлатининг ички муаммолари билан шуғулланиши лозимлигини, ўз эътиборини унинг тахтига эришиш учун ҳар қандай ёвузликларга тайёр ички рақибларига қаратиши кераклигини билдирган. Бу

сўзлар эса Византия императорига ўз таъсирини ўтказган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Тарих, сиёсат, дипломатия ва ҳуқуқшунослик соҳаларини ўзлаштирган олим ва шоирнинг ақл-заковати билан икки мамлакат ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган урушнинг олди олинади. Бу тарихий воқеа алломанинг авлодлари сифатида барчамизда миллий ифтихор туйғусини жўш урдиради [2; 5].

Фикримизча, ушбу тарихий воқеа Туронзаминда аجدодларимизни халқ дипломатиясидан нақадар усталик билан фойдалана билганликларини кўрсатиб, бугунги кунда ҳам минтақа халқлари интеграцияси учун муҳим ўрнақдир.

Бугунги кунда фаол ташқи сиёсат олиб бораётган Ўзбекистон учун халқаро муносабатларда халқ дипломатияси усул ва воситаларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, аввало, ушбу соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга жорий этиш зарурати туғилади.

Халқ дипломатиясининг давлатчилик нуқтаи назаридан ҳам аҳамияти юқори, у ҳар бир давлатнинг халқаро алоқаларида бошланғич қадамдир [5; 3]. Мустақиллик Ўзбекистонга хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг асосий йўналишларини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Ўзбекистон буюк аجدодларнинг мероси, миллий урф-одатларни инобатга олган ҳолда, тинчлик, ҳамжиҳатлик, барқарорлик, миллий бирлик, фуқаролар фаровонлигини таъминлаш учун жамиятни тубдан ўзгартиришга, халқлар ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатини амалга оширишга ҳамда тинчликсевар ташқи сиёсат олиб боришга киришди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги муҳим устувор йўналиши дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан стратегик шериклик ҳамда ҳамкорликнинг мувозанатланган тизимини шакллантиришдан иборат.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, мустақиллик ва халқ дипломатияси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг

ажралмас йўналишларидан бири сифатида шаклланган. Мустақиллик мамлакатимизга халқаро муносабатларда тенглар ичида тенг бўлиб иштирок этиш имкониятини берди. Шунингдек, халқ дипломатияси орқали кенг жамоатчилик, маданий ва илмий элита, фуқаролик жамияти институтлари халқаро мулоқотда фаол иштирок эта бошлади. Бу эса расмий дипломатияни тўлдирувчи, ишонч ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамловчи муҳим воситага айланди.

Якуний сўз сифатида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, халқ дипломатияси мустақиллик шарофати билан бизни жаҳон халқлари билан янада яқинлаштирди, Ватанимизни танитди, ўзбек миллатини ақлий заковати ва жисмоний салоҳиятини намоиш этиш имкони берди.

Ўзбекистон тарихи ва маданияти халқ дипломатияси учун мустаҳкам тарихий-ижтимоий асос яратиб берган бўлиб, бугунги глобаллашув шароитида унинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Халқ дипломатияси соҳасини чуқур илмий тадқиқ этиш ва унинг назарий асосларини янгича ёндашувларда ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистоннинг тарихий мероси, маданий бойлиги ва маънавий қадриятларини халқаро миқёсда тарғиб этишда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотлар ролини кучайтириш лозим.

Ёшлар ва талабаларнинг халқаро алмашинув дастурларида, турли маданий ва илмий форумларда иштирокини кенгайтириш орқали халқ дипломатияси имкониятларини ошириш мумкин.

Халқ дипломатияси йўналишларини рақамли технологиялар ва медиа майдонида самарали қўллаш, виртуал мулоқот ва ахборот алмашинуви орқали глобал ҳамкорликни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги

элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи. 2018 йил 12 январь // <https://president.uz/uz/lists/view/1423>

2. Асқаров А. Халқ дипломатияси: тарих, бугун, келажак //Янги Ўзбекистон газетаси, 2020 йил 14 октябрь. – №196. – Б 5.

3. Nazarov O. Qaffol ash-Shoshiy – faqih va diplomat: Risola. – Toshkent: TDYU, 2021.

4. Сағдуллаев А. Бағрикенгликнинг тарихий илдизлари (қадимги давр мисолида). – Тошкент, 2017.

5. Собиров Қ. Халқ дипломатияси – истиқлол нѐмати, тинчлик ва осойишталик рамзи //Янги Ўзбекистон газетаси, 2023 йил 3 сентябрь. – № 179. – Б. 3.

6. Янги Ўзбекистон: тинчлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик диѐри китоб альбоми. – Тошкент: Ўзбекистон, 2025.

7. Independent diplomacy. <https://www.diplomacy.edu/topics/independent-diplomacy/>

8. Edmond Gullion: Murrow Center Institutional Brochure, Fletcher School of Law and Diplomacy. In: USIA Alumni Association: What is Public Diplomacy?-Tufts University, 1965 // <http://www.publicdiplomacy.org/1.htm#defined>, download: 2.10.2007.

9. Cull N. J. Public Diplomacy before Gullion: The Evolution of a Phrase // Routledge Handbook of Public Diplomacy. Ed. by Nancy Snow, Philip M. Taylor. L.; N.Y.: Routledge, 2009. P. 19.